

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.  
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОҢОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАҢДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррир:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.

**Мусахҳиҳлар:** Шералиева Ж.  
Мамаджонова М.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

Фарғона,  
2021.

<b>М.Ражабова</b>	
Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши.....	74
<b>Н.Шарафиддинова</b>	
Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети .....	79
	ТИЛШУНОСЛИК
<b>М.Абдупаттоев</b>	
Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура .....	87
<b>М.Турдибеков</b>	
Конибодом тумани макро ва микро топонимлари .....	92
<b>М.Усманова</b>	
“Кўҳна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари .....	96
<b>М.Иброхимова, Т.Алимов</b>	
Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик софлигини сақлаш.....	99
<b>М.Мадаминова</b>	
Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши.....	104
<b>С.Ҳабибуллаева</b>	
Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик-семантик хусусияти.....	111
<b>А.Уралов</b>	
Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция .....	115
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
<b>Р.Сафарова</b>	
Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари.....	120
<b>Э.Мирзажонова</b>	
Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида.....	124
<b>М.Туйчиева</b>	
Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари .....	129
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
<b>М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов</b>	
Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришlashнинг жадал технологияси .....	134
<b>Р.Пирназаров</b>	
Қурбонқўл қулама тўғонининг филтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш.....	137
<b>Б.Холматова</b>	
Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи.....	140
<b>Н.Собиров, С.Исроилова</b>	
Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари .....	144
<b>М.Болтабоев</b>	
Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи .....	147
<b>Д.Абдуллаев</b>	
Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти.....	150
<b>Н.Исраилов</b>	
“Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хуросоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши .....	154
<b>А.Мусаев</b>	
XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш .....	159
<b>С.Ҳамрақулов</b>	
“Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши .....	163

УДК: 808+8.08+415.6

## ПОЛИСИНДЕТОН – ПОЛИФУНКЦИОНАЛ СИНТАКТИК ФИГУРА

## ПОЛИСИНДЕТОН - ПОЛИФУНКЦИОНАЛЬНАЯ СИНТАКСИЧЕСКАЯ ФИГУРА

## POLYSINDEON AS POLYFUNCTIONAL SYNTACTIC FIGURE

Абдупаттоев Муҳаммадтоҳир Тожимамаатович<sup>1</sup><sup>1</sup>Абдупаттоев Муҳаммадтоҳир  
Тожимамаатович– Фарғона давлат университети ўзбек тили ва  
адабиёти кафедраси доценти.**Аннотация**

Мақолада поэтик синтаксис доирасида ўрганилувчи синтактик фигураларнинг бир кўриниши бўлган полисиндетон ҳодисасининг функц ионал имкониятлари ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, полисиндетоннинг полифункционал синтактик фигура сифатидаги белги-хусусиятлари ўзбек тили материаллари асосида ёритилган.

**Аннотация**

В данной статье представлена информация о функциональных возможностях феномена полисиндетона, который является одной из синтаксических фигур, изучаемых в контексте поэтического синтаксиса. Также описаны характеристики полисиндетона как полифункциональной синтаксической фигуры на материалах узбекского языка.

**Annotation**

This article provides information on the functionality of the polysindeton phenomenon, which is one of the syntactic figures studied in the context of poetic syntax. Also, the characteristics of polysindeton as a multifunctional syntactic figure are described on the materials of the Uzbek language.

**Таянч сўз ва иборалар:** поэтик нутқ, поэтик синтаксис, синтактик фигура, полисиндетон, полифункционаллик, стилистик усул, экспрессивлик, стилистик бўёқ, ритм, синтагма.

**Ключевые слова и выражения:** поэтическая речь, поэтический синтаксис, синтаксическая фигура, полисиндетон, полифункциональность, стилистический прием, выразительность, стилистическая окраска, ритм, синтагма.

**Key words and expressions:** poetic speech, poetic syntax, syntactic figure, polysindeton, polyfunctionality, stylistic device, expressiveness, stylistic coloring, rhythm, syntagma.

Полисиндетон – синтактик фигуралар доирасида ўрганилувчи поэтик ифода воситаларидан бири саналади. Унинг асосий вазифаси поэтик нутқ қисмларини бириктириш, шу билан бирга, нутқнинг ифодалилиги ва таъсирчанлигини ошириш, нутқнинг ички ритмини шакллантириш ҳамда нутқ оҳангдорлигини таъминлашдан иборатдир. Тилшуносликда бу синтактик фигура жуда кўплаб поэтик тадқиқотлар объекти сифатида ўрганилган. Мазкур синтактик фигуранинг ўрганилиш тарихи қадимги даврларга бориб тақалади. Рус тилшунос олимаси Ф.И.Джубаева берган маълумотларга қараганда, полисиндетон ҳақидаги дастлабки маълумотлар грек файласуфи Аристотель асарларида учрайди. Аристотель синтактик фигураларни “такрорланувчи-кенгайтирувчилар” ва “қисқартирувчилар” каби турларга бўлиб ўрганган ва полисиндетонни “такрорланувчи-кўпайтирувчи” фигуралар қаторига,

асиндетонни эса “қисқартирувчи” фигуралар қаторига киритади ва уларни риториканинг асосий объекти сифатида баҳолайди [1]. Полисиндетонни ўрганиш мазкур синтактик фигуранинг лингвистик табиати ва услубий функционаллашуви ҳақидаги билимларимизни кенгайтиради. Бунда полисиндетон поэтик нутқнинг парадигматик, синтагматик ва стилистик фигураси сифатида намоён бўлади. Т.И. Сильманнинг таъкидлашича, “боғловчилар такрорларнинг бир кўриниши бўлиб, уларнинг бир синтактик қурилма таркибида такрорий қўлланилиши етказилаётган ахборотни янги фикрлар билан бойитиш, фикрни изчил ривожлантириш, нутқнинг ўқувчига таъсир қилиш функциясини кучайтириш учун хизмат қилади [2]. Бугунги кунда тилшунослик фанининг кейинги йилларда юзага келган лингвокультурология, лингвопоэтика йўналишлари мезонлари нуқтаи назаридан таҳлил этилганда ҳам полисиндетоннинг

функционал имкониятлари чексиз, чегарасиз эканлиги ойдинлашади.

Бир боғловчининг қайта-қайта қўлланиши билан бадий нутққа услубий таъсирлилик юкланади. Кўпбоғловчилик асосида шаклланган синтактик қурилмалар таркибида такрор, параллелизм каби ҳодисалар юзага келади ва улар поэтик нутқда ўзига хос симметрия ҳосил қилади. Масалан:

*Исми не ул қушниким,  
на жисми бор, на жони бор,  
Изла, топ, не боғким ул,  
на ҳадди, на поёни бор.  
Сой неким ул, бўлғай унда  
на қарору, на канор,  
Сув не ул, қонмоқнинг унга  
на илож, имкони бор.*

(Э.Воҳидов)

Келтирилган поэтик нутқ парчасида на боғловчисининг такрор қўлланиши натижасида нутқнинг ички ритми шаклланиши билан бирга синтактик параллелизм (*на жисми бор, на жоним бор*), эллипсис (*на қарору, на канор*), шу билан бирга шеърий сатрларда ўзига хос симметрия ҳосил қилинган кузатилади.

Нутқда боғловчиларнинг такрорий қўлланилиши поэтик нутққа ифодалилик, сиққиклик, тасвирийлик бериш билан бирга, нутқ темпини кўтаради, кучайтиради. Бунда поэтик нутқ таркибидаги фаол сўзлар қанчалик чуқур маъно ифода этмасин, матнда эмоционаллик ҳосил қилишда иккинчи даражали воситага айланиб қолади. Матнда фаол қўлланган сўзларнинг услубий имкониятлари улар қайта ва қайта такроран қўллангандагина тўла юзага чиқади. Такрорий фаол сўзларнинг боғланишида эса боғловчиларнинг ҳам такрорий қўлланиши, яъни полисиндетон ҳодисаси муҳим роль ўйнайди.

Полисиндетон стилистик усул сифатида поэтик нутқда самарали восита бўлиб қўлланади. У матнни шакллантиради (матн қисмларини бир-бирига боғлайди), тенг синтагмали бўлақларнинг ҳосил бўлиши, тенг урғули ритмнинг юзага келиши учун хизмат қилади. Матн мазмунига тўлиқлик ва тугаллик киритади. Шунинг учун ҳам полисиндетон воситасида шаклланган матнлар очиқ конструкция сифатида баҳоланади. Полисиндетоннинг характерли хусусияти шундаки, боғловчиларинг такрорланиши одатда бошқа стилистик

усуллар билан бирга қўлланади ва уларга қайталанувчи мазмуний таъкид юклайди. Матннинг фикрий яхлитлигини таъминлайди. Поэтик асарда ёрдамчи сўзлар фақат боғловчи, юклама ёки кўмакчи вазифасини бажармайди. Улар фикрни таъсирли ифода этиш, шу билан бирга, нутқнинг бадий-композицион имкониятларини кенгроқ юзага чиқиши учун ҳам хизмат қилади. Синтактик фигураларни ўрганиш сўзларнинг матнда образли экспрессивлик ҳосил қилиш учун услубий функционаллашуви жараёнини тадқиқ этиш имкониятини беради. Стилистик усулларнинг ўзаро алоқадорликдаги функционаллашуви поэтик матннинг структурал-семантик бир бутунлигини таъминлайди. Полисиндетон

боғловчиларни такрорлаш орқали фикрни ажратиб кўрсатиш, кучайтириш, таъкидлаш воситаси ҳамдир. У поэтик нутқнинг нафақат горизонтал тартибланишини, балки вертикал (сатрлараро) боғлиқлигини ҳам таъминлайди. Боғловчининг такрорланиши баён қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг узвий ривожланиши, тадрижий тараққиёти учун йўл очади, синтактик қурилмада мазмун уйғунлигини келтириб чиқаради. Полисиндетоннинг услубий қиймати шундаки, у матн қисмларига шаклий жиҳатдан ҳам, мазмуний жиҳатдан ҳам мустақиллик беради. Унинг услубий имкониятлари поэтик нутқ чуқур таҳлил қилингандагина юзага чиқади. Грамматик маънонинг чекиниши, яъни боғловчиларнинг грамматик вазифасининг сустрлашуви, поэтик нутқда мантиқий изчилликнинг ривожланишига олиб келади. Бунда такрорланаётган бирликнинг услубий вазифаси ошиб боради. Боғловчиларнинг такрорланиши нутққа тантанаворлик, улғворлик, ҳиссий-таъсирий кўтаринкилик, мусиқий эффе́кт беради. Нутқ оқимининг эркин ва кенг кўламли ҳаракатланишини таъминлайди, нутқни янги ва янги информациялар билан тўлдириб боради.

Полисиндетон поэтик нутқнинг полифункционал (бир пайтнинг ўзида бир нечта грамматик, семантик, стилистик вазифа бажариши) фигураси ҳисобланади. Унинг полифункционаллиги муҳимлик даражасига кўра умумий ва хусусий категорияларга бўлинади. Умумий полифункционал хусусиятлари қуйидагилар:

## ТИЛШУНОСЛИК

- поэтик нутқда горизонтал ва вертикал сатрларни шакллантириш, мисраларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш функцияси;

- поэтик нутқнинг синтактик қурилишида уюшган қурилмаларни – уюшган сатрлар, полипредикатив гаплар, уюшган феъл-кесимлар ҳосил қилиш функцияси;

- поэтик нутқ (матн)ни шакллантириш функцияси;

- поэтик нутқнинг семантик яхлитлигини таъминлаш функцияси;

- поэтик нутқда бошқа синтактик фигуралар билан уйғунлашиш функцияси киради.

Полисиндетоннинг хусусий функциялари:

- фоносемантик функцияси;

- ритм яратиш функцияси.

Полисиндетоннинг полифункционаллигини кўрсатувчи юқоридаги хусусиятлар унинг поэтик нутқни шакллантиришдаги ўрни мезонларига асосланган бўлиб, кўрсатиб ўтилган умумий функциялар поэтик нутқнинг шаклланишида муҳимроқ, хусусий функциялар эса иккинчи даражали ҳисобланади.

Полисиндетоннинг асосий функцияларидан бири унинг поэтик нутқда вертикал сатрларнинг шаклланиши ва уларнинг ўзаро боғланишидаги функциясидир. Вертикал сатрлар полисиндетоннинг асар макромухити билан, горизонтал сатрлар эса унинг асар микромухити билан узвий алоқадорлиги натижасида шаклланади. Боғловчиларнинг такрорланиши натижасида бир-бири билан контакт алоқада бўлган вертикал сатрлар шаклланади. Вертикал сатрларнинг шаклланиши поэтик матннинг ташқи тузилиши (композицияси)нинг яралишига олиб келади. Вертикал сатрлар таркибида боғловчилардан ташқари бошқа ёрдамчи сўзлар такрорланиб келиши ва полисиндетоннинг бошқа турларини юзага чиқариши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда сатрларда боғловчиларнинг инвариантлари қўлланилиши ва сатрлар тартибини бошқариб келиши мумкин. Масалан:

*На кўкнинг фонари ўчмасдан,  
На юлдуз сайр этиб кўчмасдан.  
На уфқ ўрамай ёкут-зар,  
На булут силкитиб олтин пар,*

*Тонг кулмасдан бурун турарди.*

*(Уйғун)*

Полисиндетон поэтик нутқ доирасида содда гапларни бир мавзу атрофига бириктириши шу йўл билан матнни шакллантириши мумкин. Бундан ташқари, улар ёрдамида гапнинг бир хил интонация билан айтилувчи уюшиқ бўлаклари, полипредикатив бирликлар ҳосил қилиниши мумкин. Рус олимаси И.И.Ковтунова таъкидлаганидек, полипредикативлик поэтик нутқнинг алоҳида кўзга ташланиб турувчи асосий хусусияти ҳисобланади [3]. Полипредикативликка асосланган поэтик матнларда полисиндетоннинг ўрни алоҳида аҳамиятлидир. Полипредикатив қурилмалар очиқ синтактик бутунликлардир, шунинг учун ҳам улар орқали ҳар қандай ҳажмдаги ахборотни тингловчига тез, осон ва таъсирли етказиш мумкин. Поэтик нутқнинг ички синтагматикасининг шаклланишида полипредикатив синтактик бирликлар фикрий-мазмуний тенгликка эга бўлади ва ўқилаётган вақтда тенг урғули синтагмаларга бўлиб талаффуз қилинади. Масалан:

*Лолалар очилиб тамом бўлса ҳам,  
Қовжираб кетса ҳам қирда майсалар,  
Табиат ўзгача хусн олса ҳам,  
Қади чиқарса ҳам гулдор найчалар,  
Сен эсимдан чиқмайсан, баҳор.*

(М.Жалилов)

Келтирилган мисолдан кўринадик, поэтик нутқда боғловчи восита (-са ҳам) полипредикатив характердаги гаплар таркибида такрорланиб, уларнинг уюшиб келиши, ички ритм ва санаш оҳанги билан айтилиши, шунингдек, нутқнинг тенг урғули синтагмаларга бўлинишини таъминлаган. Шу билан бирга, поэтик нутқда экспрессивлик ва ҳиссий-таъсирийлик кучайтирилган.

Полисиндетоннинг матнни шакллантириш функцияси ўзига хосдир. У айрим поэтик матнларнинг шаклланишида асосий фигура сифатида иштирок этиши ҳам мумкин. Бунда поэтик нутқ услубий бўёқ ва экспрессивликка бой бўлади. Полисиндетон воситасида юзага чиққан алоқа параллел тарзда намоён бўлади, яъни бунда гаплар ёки бўлақлар параллел тузилишга эга бўлади ва параллел кетма-кетлик характерига эга бўлади. Полисиндетоннинг матнни шакллантириш функцияси нутқ композициясининг юзага келиши билан ҳам боғлиқ. Композиция тил материалларини

поэтик ифода воситасига айлантурувчи механизмдир [1,29]. Поэтик нутқ композицияси унинг семантик структураси билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир поэтик нутқдаги фикрий изчиллик нутқнинг маълум бир тартибда семантик шаклланишини тақозо қилади. Полисиндетоннинг поэтик нутқ композициясини шакллантиришдаги асосий функцияси тил ва нутқ бирликларининг симметрияга асосланган ҳолда такрор қўлланишига таянади. Поэтик нутқ таркибда такрорлар нутқдаги синтактик алоқани юзага чиқарувчи восита сифатида ҳамда нутқнинг семантик структурасини шакллантириш усули сифатида юзага чиқади. Поэтик нутқ композициясини аниқлашда поэтик нутқ қисмларининг ўзаро бирикиш даражаси, бўлакларини ва бу қисмларнинг нутқнинг умумий тузилишига мослиги-уйғунлигига эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Полисиндетон такрорийлик асосида юзага келувчи синтактик фигура бўлгани учун ҳам поэтик нутқда нафақат шаклий, балки мазмуний симметрия ҳосил қилади. Мазкур симметриклик поэтик нутқ қисм-компонентлари ўртасида семантик аниқлик ва мазмуний уйғунликни таъминлаш учун хизмат қилади. Натижада нутқнинг семантик ядроси шаклланади. Бунда, албатта, полисиндетон ўзига хос вазифа бажаради. Полисиндетоннинг поэтик нутқнинг семантик яхлитлигини таъминлаш функцияси дейилганда, ана шу ҳолат назарда тутилади. Масалан:

*Гоҳ муҳандис ул, мунажжим гоҳ,*

*Гоҳ ўзини толиб деб атар.*

*Гоҳ муаллим, гоҳ соҳиб дастгоҳ...*

*Касби кўпми унинг шу қадар?*

(Э.Воҳидов)

Э.Воҳидов шеърятига мансуб мазкур парча ҳам фикримизни далиллайди. Кўришиб турганидек, гоҳ боғловчиси такрор қўлланиб, поэтик нутқ қисм-компонентлари ўртасида семантик аниқлик ва мазмуний уйғунликни таъминлашда фаол қатнашган.

Симметрия поэтик нутқнинг семантик бир бутунлигини таъминловчи, матннинг семантик майдонини ташкил этувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади. Полисиндетон воситасида бир умумий мазмун атрофига бирлашган қисм-компонентлар ўзаро сиқик алоқага киргани ҳолда, мазмуний яхлитликни таъминлаб туради.

Полисиндетон поэтик нутқда синтактик фигураларнинг шаклланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. У, айниқса, анафора, синтактик параллелизм, градация каби фигураларнинг юзага чиқишига кучли таъсир кўрсатади. Мазкур фигураларнинг барчаси такрор асосида шаклланади. Полисиндетонга асосланган ҳолда шаклланувчи ва поэтик нутқда кенг қўлланувчи энг маҳсулдор фигура синтактик параллелизм ҳисобланади. Синтактик параллелизм таркибига бир хил тузилишда такрорланувчи гаплар, предикатив бирликлар, сифатдош, равишдош, ҳаракат номи ўрамлари киргани ҳолда ушбу фигурани шакллантиради. Параллелизм принципига асосланиб шаклланган бирликлар уюшган ҳолда ва маълум бир кетма-кетликда ўринлашиб, синтактик параллелизм усулини ҳосил қиладилар. Синтактик параллелизм икки ва ундан ортиқ синтактик қурилмаларнинг бир хил типда шаклланишига ва ўзаро алоқага киришишига асосланади. Бу муносабатлар фикрий изчиллик ва мантикий кетма-кетликни таъминлайди. Улар контакт ёки дистант ҳолатда юзага чиқади. Бу ҳолат шеъринг бандлар ёки поэтик нутқнинг бутун бир ҳажми доирасида юзага чиқиши мумкин. Агар параллелизм таркибда лексик такрорлар ҳам учрайдиган бўлса, улар ўзаро алоқадорлик ва ҳиссий-таъсирий бўёқни янада кучайтириш учун хизмат қилади. Масалан:

*Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин.*

*Ё худбинман мен ё бир содда касман мен –*

*Парижнинг энг гўзал ресторанларин,*  
*Битта тандирингга алишмасман мен*

(М.Юсуф)

Юқоридаги мисолдан кўринадик, ё боғловчисининг такрорланишига асосланган поэтик нутқда параллелизм ҳодисасининг юзага келиши билан бирга, мен лексемасининг такрорланиши натижасида нутқни ташкил этган гаплар ўртасидаги мазмуний алоқадорлик ва ҳиссий-таъсирий бўёқдорлик янада кучайтирилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, полисиндетоннинг фоносемантик ва ритм яратиш функциялари унинг хусусий функцияси ҳисобланади. Полисиндетон нутқда муסיқийлик, тантанаворлик ҳосил қилиши билан бирга, нутқнинг бир хил

## ТИЛШУНОСЛИК

ритмик темп (суръат)да яратилишини таъминлайди. Мисралар бошидаги ритмик мувозанат полисиндетон ёрдамида поэтик нутқнинг кейинги қисмларида ҳам сақланиб қолади. Бу билан нутқ динамикаси маълум бир изчилликда ривожланади. Полисиндетон юзага келган нутқда иш-ҳаракат интенсивлиги товушлар уйғунлиги, мослиги ёрдамида ҳам сақланиб қолади. Нутқ динамикаси билан уйғунлашган мазкур товушлар ёки шовқинлар тингловчи (ўқувчи)га фикрни таъсирли, тез ва қулай етказиш имкониятини беради.

Поэтик нутқнинг айрим кўринишларида нутқнинг акустик жиҳатлари етакчи ўринга чиқарилади. Бундай ҳолларда полисиндетоннинг фоносемантик функцияси такрорийлик поэтик нутқнинг оҳангдорлиги билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади. Баъзан такрор қўлланилган боғловчилар маълум маънода поэтик нутқнинг товуш қобиғини бошқариб турувчи воситага айланади. Такрорий боғловчиларнинг бир хил талаффузи нутқнинг товуш яхлитлигини таъминлайди. Такрор қўлланаётган боғловчининг ўзидан кейин келган бирлик билан мослашуви, уйғунлашуви натижасида нутқнинг ритмик бир хил бутунликка эга бўлган “қиёфаси” шаклланади. Полисиндетоннинг ритм яратиш функцияси бевосита поэтик нутқ қурилиши билан, шунингдек, нутқнинг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқ ва бу ҳолат унинг нутқни шакллантириш функциясини бажарувчи ҳодиса сифатида тил бирликларининг нутқ таркибида ўзаро боғланишини ҳам ўзида акс эттиришини кўрсатади.

Поэтик нутқда такрорларнинг доимий равишда ва узлуксиз қўлланилиши ва санаш усули, такрорнинг турли кўринишлари, параллел синтактик қурилмалар каби стилистик усулларнинг ишлатилиши ритмнинг турли моделлари пайдо бўлишига олиб келади. Полисиндетон такрорийликнинг кўплигига асосланган синтактик ҳодиса бўлгани учун нафақат стилистик, балки ритмик фигура бўлиб ҳам ҳисобланади. Нутқда параллел ва симметрик қўлланувчи синтактик қурилмалар ритмнинг асосий бирликлари ҳисобланади. Такрорланиб қўлланса-да, алоҳида урғу олмаган боғловчилар нутқда ўз маъноси билан алоҳида аҳамиятга эга бўлган сўзлар орасида қўлланиб, тингловчи (ўқувчи) диққатини шу сўзлар маъносига қаратади, шу билан бирга, мантикий урғуни мазкур сўзлар маъносига йўналтирган ҳолда, поэтик нутқнинг ўзига хос ритмини яратади. Поэтик нутққа кўшимча ритм яратувчи восита киритилиши билан синтактик қурилманинг ритмик тузилиши янада кучаяди.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, полисиндетон поэтик нутқнинг полифункционал характерга эга бўлган асосий синтактик фигураси ҳисобланади. У поэтик нутқнинг “такрорланувчи-кенгайтирувчи” фигураси бўлиб, полисиндетон воситасида фикр динамикаси тезлашади, нутқнинг семантик майдони кенгайди, нутқда оҳангдорлик ҳосил қилинади, бадий матннинг қисмлари ўзаро семантик ва синтактик уйғунликда бирикади, нутқнинг ички ритми ва фоносемантикаси шаклланади.

**Адабиётлар:**

1. Джубаева Ф.И. Гармония поэтического текста А.С. Пушкина. Ставрополь 2008.
2. Сильман Т.Н. Синтаксико-стилистические особенности повторов – Вопросы языкознания, 1967, № 2, 68-стр.
3. Ковтунова И.И. Поэтический синтаксис. –Москва. Наука, 1986.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).